



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



**ЕВРОПА КОМИССИЯСИ ЭРАСМУС+ ДАСТУРИНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН**

ТАВСИЯЛАР

GUIDELINES

**DEVELOPED WITHIN THE PROJECT
“IMEP: INTERNATIONALISATION AND MODERNISATION OF
EDUCATION AND PROCESSES IN THE HIGHER EDUCATION OF
UZBEKISTAN” OF ERASMUS+ PROGRAM**

TASHKENT 2018



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



Erasmus + Capacity Building Project

Project Number: IMEP 561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE

Мазкур лойиҳа Европа Комиссияси томонидан молиялаштирилган. Ушбу нашр муаллифларнинг фикрларини акс эттиради ва Комиссия бу ерда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш учун жавобгар бўлмайди.

This project has been funded with support from the European Commission. This publication reflects the views only of the author, and the Commission cannot be held responsible for any use which may be made of the information contained herein.

ЛОЙИҲА ҲАМКОРЛАРИ

PARTNERS



Ministry of Higher and Secondary
Special Education of the
Republic of Uzbekistan



Rezekne Academy
of Technologies
Latvia



LONDON
METROPOLITAN
UNIVERSITY

London Metropolitan
University
UK



University of the
Peloponnese
Greece



Head scientific and
methodological center
Uzbekistan



British Council in
Uzbekistan



Uzbekistan State University
of World Languages
Uzbekistan



Tashkent State
Pedagogical University
Uzbekistan



Tashkent
Medical Academy
Uzbekistan



University of World Economy
and Diplomacy
Uzbekistan



Namangan
State University
Uzbekistan



Samarkand State Institute of
Foreign Languages
Uzbekistan



BUKHARA
STATE
UNIVERSITY
1930
Bukhara
State University
Uzbekistan



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ТАВСИЯЛАР ХАРИТАСИ	5
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	6
ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ	17
ИШ БЕРУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ	23
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	28
ХУЛОСА	37

CONTENTS

INTRODUCTION	38
GUIDELINES MAP	39
CONTINUOUS PROFESSIONAL DEVELOPMENT FOR TEACHERS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	40
STUDENT ENGAGEMENT IN THE PROCESSES OF EDUCATION QUALITY ASSURANCE	50
EMPLOYER ENGAGEMENT IN THE PROCESSES OF EDUCATION QUALITY ASSURANCE	55
RECOMMENDATIONS ON EDUCATION QUALITY EVALUATION AND CONTROL IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	59
CONCLUSION	68



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan/ IMEP

561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP - ERASMUS+ CBHE

КИРИШ

IMEP лойиҳаси Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг турли эҳтиёжлари ва ўзига хос талабларини акс эттиради ҳамда олий таълим жараёнларини модернизация қилиш, малака ошириш, сифатни таъминлаш, талабалар ва иш берувчиларни таълим жараёнларига жалб қилиш масалаларини қамраб олади. Ушбу интеграция ва олий таълим тизимидаги масалаларга нисбатан яхлит ёндашув таклиф қилинган лойиҳанинг марказий ўрнини эгаллайди ва унинг инновацион характерини ифодалайди.

Лойиҳани амалга оширишнинг мақсадларидан бири олий таълимда малака ошириш дастурларини такомиллаштириш, ўқитувчилар учун тренинглар ўтказиш ва ҳамкор университетларда пилот малака ошириш бўйича тренинглар ўтказиш ҳамда узлуксиз малака оширишда самарали ёндашувни яратиш ва уни миллий даражада таклиф этиш ҳисобланади.

Лойиҳанинг яна бир мақсади фанлар доирасида сифатни яхшилашга қаратилган, республика даражасида таълим жараёнининг сифатини юқори даражага олиб чиқадиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб қилиш бўйича тавсиялар миллий устувор йўналишларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат талабаларнинг турли жараёнларда, масалан, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, сифатни таъминлаш ва такомиллаштириш каби жараёнларда бевосита иштирок этиши улар учун фойдали бўлади. Бу эса таълим жараёнини мақсадлилигини ва долзарблигини таъминлайди ҳамда олий таълим тизимига янги ишланмаларни олиб келади.

Бажарилган лойиҳанинг яна бир муҳим мақсади иш берувчиларни таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, у Ўзбекистонда тадбиркорлик руҳини ва амалиётини таълим жараёнида интеграциялашга йўналтирилган тузилмаларни модернизация қилишга ёрдам беради.

Сифатли ўсиш ва мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун шароитларни яхшилаш мақсадида лойиҳа ОТМларда ички интерфейсларни ташкил қилиш, инсон ресурслари имкониятларини ривожлантириш, олий таълим муассасалари ва маҳаллий, республика даражасидаги бизнес вакиллари ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган ахборот ва коммуникация стратегияларини жорий этиш орқали университет-корхона ўртасида ҳамкорлик маданиятини ривожлантиришни назарда тутди.

Барча ҳамкор олий таълим муассасаларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши лойиҳа ютуқларини республика даражасида оммалашишига замин яратди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказнинг лойиҳадаги иштироки бизнинг эришган ютуқларимизни самарали тарзда амалиётга жорий қилиш имконини берди.

Барча ҳамкорларимизга сермахсул ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдираман!

Лойиҳа бош менежери

ДР., Проф. Вельта Лубкина
Резекне Технологиялар Академияси,
ЛАТВИЯ

ТАВСИЯЛАР ХАРИТАСИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Малака ошириш тизимида илғор хорижий тажрибани татбиқ этган ҳолда ҳолда ўқитишнинг инновацион, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг билвосита шакллари амалиётга тўлиқ татбиқ этиш, педагог кадрларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга олган ҳолда табақалаштирилган узлуксиз малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш малака оширишнинг муқобил шаклларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

“Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш” тўғрисидаги Низомда электрон портфолио, масофавий малака ошириш, мустақил малака ошириш, муқобил тарзда малака ошириш ва узлуксиз малака ошириш каби тушунчалар қўлланилган. Лойиҳа доирасида олий таълим муассасалари (ОТМ) профессор-ўқитувчиларининг узлуксиз малака оширишларини ташкил этиш бўйича олий таълим муассасалари ва педагог кадрлар учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олий таълим муассасалари (ОТМ) педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.

Узлуксиз малака ошириш – педагог кадрларнинг касбий маҳоратини замонавий талабларга мос тарзда мунтазам равишда



ошириб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизимдир.

Малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакллари тўлиқ амалиётга жорий этиш орқали педагог кадрларнинг ўз имкониятлари ва ҳоҳишидан келиб чиқиб, мустақил ўз-ўзини шахсий ва касбий жиҳатдан ривожлантиришни рағбатлантириш узлуксиз малака ошириш тизимининг асосий мақсади ҳисобланади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг вазифалари:

- олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий маҳорати ва компетенцияларини узлуксиз ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ҳамда таълим жараёнига илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш;

- малака оширишнинг касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари амалиётга тўлиқ жорий этилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;

- касбий эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган вариатив узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва мустақил фаолият таркибини аниқлаш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларнинг тайёргарлиги сифатига қўйиладиган компетенциявий талабларни такомиллаштириш.

Ушбу жараён олий таълим муассасаларининг ўзида, шунингдек ҳар бир кафедра доирасида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир педагог кадр узлуксиз малака ошириш жараёнини ўз имкониятлари ва ҳоҳишидан келиб чиқиб ташкил этиш имкониятига эга бўлиб, ушбу жараён 3 ўқув йилига тақсимланган ҳолда

узлуксиз равишда амалга оширилади. Узлуксиз малака ошириш мақсадлари аниқ натижаларга ва шахсий мақсадларга асосланган бўлиши керак. Узлуксиз малака ошириш педагог кадрларнинг эришган ютуқларини кўрсата олиши учун яхши имконият эканлигини англаб етгандагина ушбу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдалана олади.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнини ташкил этишга маъсулларнинг вазифалари.

Олий таълим муассасалари:

Малака ошириш пухта режалаштирилган ва узлуксиз тарзда давом этадиган жараёндин ва ушбу жараён кафедра кесимида доимий тарзда йўлга қўйилишида кафедра мудирининг роли катта аҳамиятга эгадир. Кафедра мудирининг профессор-ўқитувчиларнинг ўрганишлари ва ривожлантиришлари зарур бўлган билим ва кўникмаларни аниқлаши ҳамда уларнинг малака ошириш фаолиятини узлуксиз ташкил этишга ва бошқаришга маъсулдилар. Ушбу жараёнда кафедра мудирининг педагог кадрларни қўллаб-қувватлашда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Педагог кадрларнинг узлуксиз малака ошириш бўйича режасини тақдирлаш ва режадаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш кафедра мудирининг вазифасига киради. Шундай экан, кафедра мудирининг узлуксиз малака оширишни ташкил этиш учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериши ва профессор-ўқитувчиларнинг вақтини тўғри тақсимлашини назорат қилиши лозим.

Кафедра мудирининг:

- Ҳар ўқув йилида мустақил равишда малака ошириш билан шуғулланаётган педагог кадрлар тўғрисидаги маълумотларни Бош илмий-методик марказнинг электрон портфолио тизимига киритилишини таъминлайди ҳамда мустақил малака ошириш натижаларига кўра педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака



ошириш курсларида ўқиш муддатлари ҳамда шаклларининг прогноз кўрсаткичларини белгилайди;

- электрон портфолио тизими кўрсаткичлари бўйича педагог кадрларнинг фаолиятини тизимли таҳлил этиб боради ва ўқув йили якунлари бўйича уларнинг рейтингини аниқлашда тегишли кўрсаткичларини инобатга олади;
- педагог кадрлар узлуксиз малака ошириш жараёнларининг ички мониторингини олиб боради ва мониторинг натижаларини лавозимларга ўтказиладиган танловларда асосий мезонлардан бири сифатида инобатга олади.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этиш бошқичлари ва педагог кадрларнинг вазифалари:

Ушбу жараён уч йил давом этади (ҳар ўқув йили кесимида) ва олий таълим муассасалари педагог кадрларининг мустақил малака ошириш шакллари бўйича сўнгги уч йилдаги маълумотлари электрон портфолио тизимига шахсан педагогнинг ўзи томонидан киритилади ва кўрсаткичлар электрон мониторинг тизимида қайд этиб борилади.

Мустақил малака ошириш бўйича педагог кадрларнинг фаолиятини баҳолаш “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг мустақил малака ошириш шакллари баҳолаш мезонлари”га мувофиқ амалга оширилади.

Педагог кадрларнинг мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари таълим дастурлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш

курсларида иштирок этиши ёки ундан озод этилиши узлуксиз малака ошириш натижаларига бевосита боғлиқ бўлади. Уч йил давомида узлуксиз малака ошириб, электрон портфолиога ўзи эришган ютуқларини юклаб борган педагог кадрлар соҳа мутахассислари томонидан баҳоланиб 86-100 баллгача натижа кўрсатган педагог кадрларга фақат якуний назоратга киришга имкони берилади. Ушбу назорат онлайн тест тарзида ташкил этилади. Якуний назоратдан 86-100 гача балл тўплаган педагог кадрлар таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишдан озод этиладилар ва уларга давлат намунасидаги малака аттестати берилади. Якуний аттестация натижаларига кўра белгиланган ўтиш баллини тўплай олмаган педагог кадрлар ўрнатилган тартибда такрорий курсларда ўқийди.

Узлуксиз малака ошириш жараёни механизми



1. Эҳтиёжларини таҳлил қилиш

Педагог кадрлар узлуксиз малака ошириш доирасида мақсадларни белгилаш ва режалаштириш ҳамда узоқ муддатли мақсадларни белгилаб олишлари учун қуйидаги саволларга ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришлари керак:

Мақсадларни белгилаб олиш учун саволлар	Мақсадларни белгилаш
Ҳозирги педагогик малакамдан қониқаманми?	
Педагогик фаолиятимни икки, беш, ўн йил ичидада ва даражада ривожлантиришни ҳоҳлар эдим.	
Мақсадларимга қандай эришишим мумкин?	
Фаолиятимни ривожлантириш ва малакамни ошириш учун қандай ҳаракатлар қилишим керак?	
Педагогик фаолиятимни ривожлантиришда менга ким ёки нима ёрдам бериши мумкин?	

2. Узлуксиз малака оширишни режалаштириш:

Педагог кадрларнинг малака ошириш эҳтиёжлари таҳлил қилишда қуйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб берилиши керак. Бу уларнинг мустақил малака оширишларига бўлган эҳтиёжлари ҳақида ўйлашга ёрдам беради. Мустақил малака ошириш йўллари, йўналишлари ва механизмлари аниқланиб олингандан сўнг уч йиллик узлуксиз малака ошириш режасини тақдим этишга тайёр деб ҳисобланадилар.

Қуйида келтирилган жадвал электрон портфолиога киритилиши шарт. Ушбу жадвал асосида режалаштирилган малака ошириш турлари 3 йил давомида янгиланиб борилиши мумкин. Педагог кадрлар шахсий иш режасига ўқув йили учун узлуксиз малака ошириш шакллари бўйича фаолиятини киритади.

Амалга ошириладиган малака ошириш шакллари	Бошлан иш ва тугаш вақти?	Қутилаётган натижа	Бажарилиши бўйича ҳисобот
Халқаро миқёсда маъқулланган хориждаги ўқитувчилар алмашинуви дастурларида қатнашиш ва малака ошириш	2020 йил	Соҳа бўйича малака ошириш ва сертификат олиш. Олган билимларни ҳамкасблар билан ўртоқлашиш	Курс номи: Курс учун ажратилган умумий соат хажми: Йўналиши: Мақсади: Янгиликлар: Эришилган ютуқ: Келажакдаги режалар:

Узлуксиз малака ошириш қўйидаги шакллари ўз ичига олиши мумкин:

№	Мустақил малака ошириш шакллари	Фаолиятни баҳолаш мезонлари
I. Мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш		
1.	Очиқ ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш	Ҳар ўқув йилида камида 2 та соҳага оид “Мастер-класс”лар ташкил этиш; Ҳар ўқув йилида камида 2 та очиқ ўқув машғулотларини ўтказиш
2.	Иқтидорли талабалар билан ишлаш	талабаларининг республика ва халқаро миқёсидаги фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат соҳасидаги кўрик танловлар ва кўргазмалардаги совринли ўрин олиши
3.	Илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш	халқаро миқёсда; республика миқёсида.
4.	Илмий журналларда мақолалар чоп этиш	Ҳар бир илмий мақола учун алоҳида
5.	Кўргазма ва танловларда иштирок этиш	халқаро миқёсда; республика миқёсида.
6.	Илмий лойиҳаларда иштирок этиш	Халқаро лойиҳалар; Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар: лойиҳа раҳбари сифатида; лойиҳа иштирокчиси сифатида. хўжалик шартномаси: раҳбар сифатида; иштирокчи сифатида.
7.	Халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш	Халқаро маълумотлар базасига киритилган юқори рейтингли илмий журналлар ёки “импакт-фактор”га эга бўлган илмий журналларда чоп этилган ҳар бир мақола учун.
8.	Ихтиро, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш	ихтиро(патент); рационализаторлик таклифи; инновацион ишланмаларга муаллифлик.
9.	Монография тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	якка муаллифликда; хаммуаллифликда.
10.	Дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	Дарслик; ўқув қўлланма; методик қўлланма.
11.	Илмий раҳбарлигидаги фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинганлиги	охирги 3 йилда ҳимоя қилинган диссертация учун
II. Муқобил малака ошириш шакллари		
12.	Охирги 3 йилда якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш	
13.	Охирги 3 йилда илмий раҳбарлигидаги охирги 3 йилда камида битта DSc даражасини олиш ёки иккита PhD даражасини олиш учун диссертацияларнинг ҳимоя қилинганлиги	
14.	Охирги 3 йилда Докторлик (PhD,DSc) диссертациясини ҳимоя қилиш	
15.	Охирги 3 йилда хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (давомийлиги: малака ошириш – 1-3 ой, стажировка – 3 ой - 1 йил)	
16.	Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги илмий унвонига эга бўлиш	

3. Узлуксиз малака ошириш жараёнини амалга ошириш

Ушбу босқичда педагог кадр томонидан режалаштирилган вазифалар амалга оширилади. Узлуксиз малака ошириш режаси профессор-ўқитувчилар томонидан тузилиб олингандан сўнг уч йил давомида амалга оширилади ва касбий фаолият

натижалари электрон портфолио тизимида жойлаштирилади.

Бунда педагог кадрлар касбий фаолият натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга электрон портфолио тизимида киритиб борадилар.



Электрон портфолио тизимига киритилган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига педагог кадрлар шахсан масъул ҳисобланадилар.

4. Ўз-ўзини баҳолаш ва таҳлил

Педагог кадрлар кафедра йиғилишида бажарилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича семестр якунида кафедрага ҳисобот тақдим этади. Ушбу босқичда профессор-ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва эришилаётган ютуқларни таҳлил қилиш учун имконият яратилади.

Электрон портфолиога юклаб қўйилган барча асос бўлувчи ҳужжатлар кафедрада юритилган ҳар бир профессор-ўқитувчининг алоҳида шахсий файлида ҳам сақланиши лозим.

Профессор-ўқитувчиларнинг профессионалик даражаси мутахассислик фани бўйича билим ва кўникмалари, чет тилларни билиш даражаси ва таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини қўллай олиш даражаси асосида белгиланади. Қўлланманинг ушбу қисмида ОТМ профессор-ўқитувчиларига ўз устида мустақил ишлаш орқали инглиз тили ва АКТ бўйича билим ва кўникмаларини ошириб боришлари учун тавсиялар берилган.

Барча педагог кадрларни хорижий тилларни мустақил ўрганишлари учун кўрсатмалар

Чет тилини ўрганиш оддий иш эмас, лекин уни қандай қилиб яхшилашни билиш унчалик қийин эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, натижаларни қўлга киритишнинг энг яхши усули – шахсий ўқув режадир. Ушбу

қўлланмада педагог кадрлар ўзларининг чет тиллари бўйича билим ва кўникмаларини оширишлари учун нима қилишлари кераклигини аниқ тушунтириб берилади. Кўрсатмалар инглиз тили мисолида берилган.

Ушбу тавсияларда таъкидланишича, педагог кадрлар ўзларининг инглиз тилини билиш даражасини аниқлашлари, сўз бирикмаларини тузиш қоидаларини ўзлаштиришлари, грамматика, лексика ва бошқа тил аспектига оид билимларни такомиллаштиришлари ва чет тилини ўрганиш учун тавсия этилган онлайн ресурслардан оқилона фойдаланишлари уларнинг тил ўрганишларида катта ёрдам беради.

Инглиз тилидаги даражани билиш учун қуйидаги жадвалдан ёки инглиз тилидаги билим даражани аниқлашга ёрдам берадиган 20 дақиқалик бепул онлайн инглиз тили тестини топшириб кўриш мумкин (Online English Level Test).

Даража	Таъриф	УЕТ (CEF) даража
Жуда кенгайтирилган	Мен инглиз тилини мукаммал биламан.	C2
Мураккаб	Мен жуда яхши гапираман ва тушунаман, лекин баъзан номаълум вазиятлар ва сўзлар билан боғлиқ муаммолар юзга келади.	C2
Мураккабгача	Мен яхши гапираман ва яхши тушунаман, лекин хатолар қиламан ва вақти-вақти билан ўзимни тушунмай қоламан.	C1
Юқори оралиқ	Мен яхши гапираман ва яхши тушунаман, лекин хатолар қиламан ва вақти-вақти билан ўзимни тушунмай қоламан.	B2
Ўрта даражада	Мен яхши гапиришим ва тушунишим мумкин ва асосий вақтларни ишлатишим мумкин, лекин мураккаб грамматик қоидалар ва сўз бирикмаларини ишлатиш билан га боғлиқ муаммолар мавжуд.	B1
Паст оралиқ	Мен содда гапларни гапиришим ва суҳбатнинг асосий мазмунини тушунишим мумкин, аммо кўпроқ оғзаки мулоқот қилишга муҳтожман.	B1
Олдиндан оралиқ	Мен содда мулоқот қила оламан ва таниш вазиятларга оид гапларни тушунишим мумкин, лекин қийинчилик билан.	A2
Бошланғич	Инглиз тилида айрим оддий нарсаларни айтиб бера оламан ва англай оламан.	A1/2
Бошловчи	Мен инглиз тилида гаплаша олмаيمان.	

ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА ДАРАЖАНИ АНИҚЛАШ УЧУН ВЕБ-САЙТЛАР

Қуйидаги веб сайтларга кириб педагог кадрлар ўз билим даражасини аниқлаб олиши мумкин. Бу эса кейинчалик кайси даражадан бошлаб инглиз тилини ўрганишни давом эттириш лозимлигини аниқлашга ёрдам беради.

http://www.englishtag.com/tests/level_test.asp

<https://learnenglish.britishcouncil.org/en/content>

<http://www.cambridgeenglish.org/test-your-english/>

Тил аспектларини ўрганишга мисоллар

Инглиз тилини мустақил ўрганиш учун Merriam-Webster Learner's Dictionary луғатига обуна бўли мумкин. У инглиз тилидаги сўзларни енгил ўрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, янги сўзларни ўрганишда FluentU дан ҳам фойдаланиш мумкин. "FluentU" реал-дунёдаги видеофильмлар, муסיқий видеофильмлар, трейлерлар, янгиликлар ва тил ўрганишга кўмаклашувчи мулоқотларни ўрганишда яхши самара беради ва уларни индивидуал тил ўрганиш дарсларига айлантиради.

Қуйида тақдим этилган баъзи мисоллар янги сўзларни мустақил ўрганишда фойдаланиладиган усулларни ёритиб беради:

Лексик машқлар:

1. Тоза қоғозни (ёки индекс картасини) олиш.
2. Ўрганиш учун луғавий сўзни танлаш.
3. Қоғозни тўрт қисмга бўлиш.
4. Асосий сўзни марказга ёзиб қўйиш.
5. Сўнг чап томонда сўзнинг таърифини ва қайси нутқ бўлаги (масалан, от, сифат, феъл ва бошқаларни) эканлигини ёзиш.
6. Юқори ўнг бурчакга сўзни ёзиш.
7. Пастки чап бурчакда сўз учун синонимларни ёзиш.
8. Пастки ўнг бурчакда сўзнинг турли шакллари ёзиш. Ҳар бир сўз шаклининг

қачон ва қандай вазиятда ишлатилишини тушунишга ҳаракат қилиш.

Янги сўзни ўрганиб олиш

Агар сиз фақат биргина сўзнинг маъносини билсангиз, сиз "қандай қилиб?" дея сўрай оласиз, аммо сиз "нима бўлди?" иборасини ишлата олмайсиз.

Бирор гап оддий жумлага эмас, балки мураккаб жумлага айланса, ҳар доим ҳам уни англаш осон бўлмайди. Айтишнинг бир усули - худди шу тартибда бир мартадан кўп марта такрорланган сўзларни эшитиш. Бундан ташқари, Free Dictionary's луғатининг "иборалар" қисмига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, инглизча ибораларни яхши ўрганиш учун "English Daily" ва шу каби веб-сайтларга мурожаат қилиш керак. "English Daily" каби веб-сайтларда берилган барча иборалар аслида инглиз тилидаги кундалик мулоқотда ишлатилган бўлиб, сиз уларнинг қандай ҳолатда ва қачон ишлатилишини ўрганишингиз керак бўлади.

Шунингдек, бепул PhraseMix-веб сайтида ҳам ибораларнинг маъноларини текшириб олишингиз мумкин.

Сўзни ўрганиш машқлари:

1. Юқоридаги манбалардан бирон бир сўз ва иборани танланг.
2. Сўз ва иборани ўқинг.
3. Қуйидаги саволларга жавоб беринг: Сизнинг она тилингизда айнан шундай ибора ишлатиладими? Бу сўзни қачон ишлатилишингиз мумкин?



4. Кундалик турмуш тарзингизда иборани ўзингизнинг сўзларингиз билан айтиб кўринг.

Грамматикани қандай ўрганиш мумкин?

Тил ўрганувчиси сифатида грамматика қоидаларини билиш муҳимдир. Инглиз тили билан боғлиқ жуда кўп янги қоидалар, қоидадан истисно ҳолатлар ва сўзлар мавжуд, аммо ўқувчилар баъзан қаердан бошлашни билмайдилар.

Грамматикага оид кўрсатмаларни жуда қисқа ва аниқ изоҳлаб берадиган кўплаб веб-сайтлар мавжуд. Энг яхши манба - 5 дақиқали инглиз (5 minute English).

Яна бир ажойиб веб-сайт - Британия Кенгашининг грамматикани тез ўрганишга оид кўрсатмалари (Quick Grammar). Бу ерда ўз билимингизни ҳар бир грамматик қоидага оид интерактив викториналар билан синаб кўришингиз мумкин. Грамматик қоидаларга оид сайтларни ҳам кўриб чиқишингиз мумкин, бу жуда кўп мисоллар ёрдамида жуда аниқ ва тезкор тушунтиришга мўлжалланган сайтдир.

Бу каби веб-сайтлар кўп, шунинг учун сиз учун энг мақбулини танланг.

Грамматикага оид машқ:

1. Юқорида тилга олинган веб-сайтлардан (ёки ўз манбангиздан) қисқа грамматик қоидани ўқинг.

2. Истаган веб-сайтнингизга кириш. Уларда турли маълумот ва материалларни топишингиз мумкин.

3. Сайтларда берилган грамматик қоидаларга тегишли мисолларни кўриб чиқинг. Мисол учун, шартли вазиятлар ҳақида билмоқчи бўлсангиз, саҳифани "if" сўзи бўйича қидиришингиз мумкин.



Янгиликларни ўқиш

Сизнинг инглиз тилидаги билимингиз дунёда содир бўлаётган воқеалардан бохабар бўлишингизга ёрдам беради. Бунинг учун ҳамisha янгиликларни ўқиб туриш!

Инглиз тилидаги матнларни ўқиш нафақат тилни ўрганишингизга ёрдам беради, балки сизга инглиз тилида гапирадиган кишилар билан мулоқот қилишга катта ёрдам беради. Ҳар куни қизиқарли янгиликларни топинг. Кейинчалик, бошқалар жаҳонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида гаплашганда суҳбатга қўшилишингиз мумкин.

Инглиз тилини ўрганувчиларга мўлжалланган материаллар мавжуд кўплаб веб-сайтлар мавжуд. "Америка овози"да тушунадиган даражада осон бўлган мақолалар бор, шу билан бирга баъзи қийин сўзлар ва жумлалар ҳам мавжуд. Инглиз тилидаги янгиликлар ва янгиликларнинг мураккаблик даражалари сизнинг инглиз тили бўйича билим ва кўникмаларингизга қараб турли хил даражаларига эга.

Дунё янгиликлари ҳақида ўйлаясизми? Сизни ҳеч ким уларни ўқимасликка мажбур қилмайди! Сизни қизиқтираётган маълумотларни топинг ва айнан шу мавзудаги янгиликларни ўқинг. Агар замонавий технологияни яхши кўрсангиз TechCrunchдан фойдаланишингиз мумкин.

Ўқиш (ва гапириш) учун машқ:

1. Сизни қизиқтирган янгиликни топинг.

2. Мақолани тезда кўз югуртириб ўқиб чиқинг ва ундаги асосий мазмунни тушунишга ҳаракат қилинг. Яъни, ҳар битта сўзни бирма-бир ўқиш шарт эмас, асосий эътиборни унда ёритилган мавзунини тушунишга қаратинг.

3. Мақолани ўқинг.

4. Сиз мақоланинг энг асосий ғоясини тушундингизми? Мақоланинг қисқа мазмунини баланд овозда ўқинг.

Тушунган нарсаларингизни кўриб чиқиш учун 5 дақиқа етарли. Сиз ўрганган нарсалардан қанчаси эсингизда қолди?

Инсон мияси рўйхатдаги охириги нарсани рўйхатнинг қолган қисмидан яхшироқ эслайди. Шундай экан, ҳар бир нарсага эришиш учун тезда ҳаракат қилишингизга ишонч ҳосил қилинг!

English.com дан фойдаланиб, инглиз тилини муस्ताқил ўрганиш учун кун тартиби

Бу EnglishClub.com дан фойдаланган ҳолда, бир ой давомида тил ўрганиш кун тартибига мисол бўла олади. Сиз ўзингизнинг шахсий кун тартибингизни тўзиб олишингиз керак. Берилган материалларнинг тегишли мураккаблик даражасидан фойдаланганингизга ишонч ҳосил қилинг. Ҳар якшанба куни кейинги 7 кунлик иш тартибини ёзиш фойдалидир. Энг муҳими, тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзишни ўз ичига олган тил малакаларини ўрганишга ҳаракат қилинг.



Инглиз тили ўқитувчилари фойдаланиши учун тавсия этиладиган веб-сайтлар бўйича таклифлар

Қуйида ўн битта сайт ҳавола этилган, баъзилари тинглашни, баъзилари гапириш, грамматикани, баъзилари эса тил бошқа аспектларини ўз ичига олади.

easyworldofenglish.com

Грамматика, талаффуз, ўқиш ва тинглаш амалиёти ва интерактив расми луғатни ўз ичига олган жозибадор, фойдаланувчи учун дўстона веб-сайт.

manythings.org

Ушбу веб-сайтлар билимни баҳолаш учун синов материаллари, сўз ўйинлари, товушлар, анаграммалар, тасодифий жумла генераторлари ва бошқа компютер ёрдамида тилларни ўргатувчи воситаларни ўз ичига олади. Сайт, шунингдек, талаффуз

ҳақида махсус саҳифа, жумладан, энг кам жуфтлик билан машғулотларни ўз ичига олади.

eslcafe.com

Бутун дунёдаги фидоий ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар учун форум. Унга талабалар учун викториналар, кроссвордлар, грамматик қоидалар ва муҳокамалар форумлари киритилган. Ўқитувчилар учун барча мавзулар бўйича янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар, шунингдек мунозара форумлари мавжуд.

Бу Калифорния масофавий таълим лойиҳаси ҳисобланади.

cdlponline.org

Меҳнат, уй-жой, пул ва саломатлик каби мавзулар бўйича янгиликларни ўқинг ва тингланг, сўнгра мос келадиган жуфтликлар, янги сўз ва иборалар ҳамда викторина саволларини ўз ичига олган ҳикояларга асосланган ўқув материаллари билан ишланг. Баъзи ҳикояларга аудио-видео материаллар қўшимча қилинган.

bbc.co.uk/worldservice/learningenglish

Амалий машғулотлар учун ажойиб тадбирлар мажмуаси яратилган, уларнинг айримлари ҳозирги кундаги воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ. Видеолар, викториналар, сўзлашув амалиёти, иборалар, шарҳлар ва бошқалар сайтдан жой олган.

a4esl.org

Барча даражалар учун грамматика ва мулоқот амалиёти, жумладан янги бошловчилар учун икки тилли викторина. Бундан ташқари, синфда фойдаланиш учун ўқитувчиларга суҳбат саволлари, турли ўйинлар ва кўплаб бошқа тавсияларни ўз ичига олади.

abcya.com

Бу болалар учун мўлжалланган веб-сайт, аммо катта ёшдагилар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин. Сайтда 1-5-синфларда ташкил этиладиган чет тили дарслари ҳамда матн териш ва фонограмма

учун фойдали манбалар мавжуд. Овозли ёзишмалар, катта ва кичик ҳарфлар, синоним ва антоним ҳамда бошқа нарсаларни ўрганиш учун амалда бажариладиган ўйинлар сайтдан ўрин олган.

tv411.org

Ушбу сайт танқидий ўқиш, матннинг асосий мазмунини умумлаштириш ва сканерлаш каби асосий ўқиш кўникмасига оид тушунчаларни ҳамда турли муҳим ҳаётий кўникмаларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи маҳаллий маърузачилар иштирокидаги видеоларни ўз ичига олади. Ҳар бир видеодан кейин тинглаб тушуниш учун викторина берилган. Ўқиш, ёзиш, сўз бойлигини ошириш ва турли машғулотларни самарали ташкил қилиш учун ўқув материалларини топишни истасангиз, кўк ёрлиқларни босинг.

Чет тилларини бепул ўрганишга мўлжалланган сайтлар

gcflearnfree.org/everydaylife

Асосий саҳифа кириб, кейин “ўқиш” тугмасини босинг. Сайтда инглиз тилини ўрганувчилар учун турли манбалар, жумладан тинглаб тушуниш ва ўқиш учун ҳикоялар ва расмли луғатларга бор.

Оксфорд университети нашриёти

elt.oup.com/learning_resources

Оксфорд университети нашриётининг ушбу веб сайтида ёзиш, грамматика, талаффуз ва тинглаб тушуниш каби кўникмаларни ривожлантиришга оид материаллар жойлаштирилган. Лекин ўқувчилар ва айрим интернет фойдаланувчилари учун навигация тизими қийинчиликларни туғдириши мумкин.


Инглиз тилини ўрганиш - BritishCouncil

Британия Кенгаши инглиз тилини ўрганиш ва ўқитишга катта аҳамият беради, шунинг учун ўз веб сайтида инглиз тили ўқитувчилари ва тил ўрганувчилар учун алоҳида портал яратган. Ушбу веб сайтда инглиз тилини ўрганиш учун кўплаб материаллар жойлаштирилган бўлиб, улар

тўртта тил кўникмасини, яъни ёзиш, ўқиш, гапириш ива тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Ўқув материаллари қизиқарли машғулотлар, аудио-видео иловалар, онлайн ва оффлайн курслар, шунингдек тил соҳиблари томонидан тайёрланган турлди дастурларни ўз ичига олади.

ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН FOЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Рақамли технологиялар тезкорлик билан ривожланиб бораётган даврда чет тиллари ўқитувчилари ҳам Интернет, компьютер техникалари, уяли телефонлар, планшетлар ва бошқа техник воситаларнинг турли имкониятларидан хабардор бўлишлари талаб этилади, чунки ҳозирги кунда талабалар гаджетлардан фойдаланишда



анча илдамлаб кетишмоқда. Улар билан тенг имкониятларга эга бўлиш баробарида ўқитувчилар ўзларининг соҳалари бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлишдан ташқари ҳар бир талабанинг турли таълим эҳтиёжларини қондириши ҳамда компьютер, Интернет ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашда жуда моҳир бўлишлари лозим.

Бунинг учун педагог кадрлар қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

- тегишли онлайн материаллар, жумладан юклаб олинган матнлар, расмлар, графикалар ва бошқалар.
- аудиторияда Power Point ва бошқа стандарт дастурий таъминот воситалари ва иловаларидан (масалан, видео ва тинглаб тушуниш учун материаллар, DVD, CD, веб-ва компьютер дастурлари,

мультимедиа проекторлар, интерфаол тахталар (Smart Board), уяли телефонлар ва б.) фойдланган ҳолда дарслар ташкил этиш қобилияти;

- рақамли ахборот воситалари (камера, интернет) ёрдамида лойиҳа ишларини ташкил этиш;
- тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш учун рақамли ускуналар ва мобил қурилмалар, интернет ва тегишли дастурий таъминотлардан самарали фойдаланиш;
- тилни ўргатиш учун IWB дан фойдаланиш;
- ҳамкасблар билан биргаликда интернетдаги мавжуд воситалардан қандай фойдаланишни ўрганиш (масалан, мобил телефонлар, интерфаол тахталар ва бошқалар);
- он-лайн машқларни, веб-ва компьютер дастурларини, интернет-платформаларни ва уларнинг иловаларини танлаш ва



улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш.

Ўқитувчилар қуйидаги имкониятларни ўрганишлари ва ўзаро фикр алмашишлари мумкин:

- **Google Apps** иловалари талабалар ва ўқитувчиларга онлайн тарзда манба ва материалларни алмашиш, уларни реал вақтда таҳрирлаш ва уларни экранда лойиҳалаштириш имконини беради. Ўқитувчилар электрон дарсликларни яратади ва талабаларга нафақат юзма-юз ишлашни таклиф қиладилар, балки натижаларни автоматик тарзда ҳисоблаб чиқадиган онлайн тестларни тўлдириш ва/ёки машғулотларни самарали ташкил этиш учун уларга топшириқ бериш орқали онлайн тарзда ҳам иш олиб борадилар.

- Тақдимот дастурлари (**PowerPoint** каби) ўқитувчиларга матн ва оғзаки маъруза мазмунини тўлдириш учун юқори сифатли фотосуратлар, диаграммалар, видеолар ва товушли файлларни жойлаштириш имконини беради.

www.canvas.org, Найснет (www.nicenet.org) каби дарсларни бошқариш воситалари ўқитувчиларга талаб қилинадиган барча ресурслар (масалан, ўқув режалари, дастурлар, онлайн викториналар ва б.), воситалар, ҳужжатларни алмашиш ҳамда видео ва аудио шарҳлар учун жойлар ажратиш имконини беради. Барча курслар автоматик равишда Канвас платформаси орқали берилади.

Спикерс ва смартфонлар ўқувчиларни синчковлик билан ўрганишнинг тез ва осон усулидир. Бу тезкор сўров қилиш учун жуда яхши восита, у талабаларнинг тушунган нарсаларини тезда баҳолаши ва ўқитувчилар ишининг тезлиги ва мазмунини ўзгартириши мумкин.

www.raponto.com воситаси ўқитувчиларга ўзларининг компьютерларидан тўғридан-тўғри маърузалар ёзишга имкон беради. Ўзингизнинг маърузаларингизни ёзиб, кейин уларни талабалар учун қайта томоша қилиш учун юклашингизни ўйлаб кўринг. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қайд этилган маърузаларни жойлаштириш иштирокни қисқартирмайди ва талабалар ўзларининг тезлигида маърузаларни кўриб чиқиш имкониятини жуда қадрлашади.

Профессор-ўқитувчилар турли интернет манбаларини ўрганиб чиқишлари ва уларни ўз саҳифаларига қўшишлари мумкин. Баъзи сайтлар қуйида келтирилган:

<http://speechpeek.com/>- ўқитувчилар интерактив сўзлашув ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган машқларни талабаларга масофадан туриб юбориш учун яратилган онлайн портал. Талабалар ўз жавобларини тайёрлаши ва сайтга киритишлари мумкин.

Сайт орқали ўқитувчилар ва талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.